



ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Хушбоқова Нигора

Термиз давлат университети Юридик
факультети Юриспруденция таълим
йўналиши 2-курс талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5574503>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 05-oktabr 2021
Ma'qullandi: 10- oktabr 2021
Chop etildi: 15- oktabr 2021

KALIT SO'ZLAR

ёшлар, имкониятлар,
фаолият, ёшларга оид
давлат дастурлари ва
бошқалар

ANNOTATSIYA

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт
йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши,
муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши
ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажакига
бериладиган эътибор даражасига боғлиқ.
Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг
устувор йўналишларидан бир ҳисобланади.

“Мен ҳар гал ёшларимиз билан
учрашганимда, сизларнинг ғайрат-
шижоатингиздан куч-қувват оламан,
кўнглим тоғдай кўтарилади. Ҳар
бирингиз жонажон Ватанимиз ва
халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш
орзуси билан ёниб яшаётганингизни
яхши биламан. Сизларни
Ўзбекистоннинг энг катта
бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида
юксак кадрлайман. Биз юртимизда
қандай ислохотларга қўл урмайлик,
аввало, сиз каби ёшларга, сизларнинг
куч-ғайратингизга ва азму
шижоатингизга суянамиз.”¹
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг 2020-йил 25-

декабрь куни бўлиб ўтган
Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган
ушбу нутқи юртимизнинг барча
ёшларига катта куч-қувват
бағишлагани, табиий, албатта.
Ўзбекистон Республикасида биринчи
бор ўтказилган Ўзбекистон ёшлари
форуми нафақат ёшлар, балки бутун
халқимиз томонидан катта қизиқиш
билан кутиб олинди. Форумда
пойтахтимиздаги “Humo Arena” саройига
келган 3 минг 300, шунингдек,
ҳудудлардаги студияларда 26 минг
нафардан зиёд ёшлар иштирок этди.
Улар ўз фикрларини, таклиф ва
мулоҳазалирини очик баён этди.

¹<http://yuz.uz/news/vstuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-na-forume-molodeji-uzbekistana>



“Гўшт суяксиз, гуруч қурмаксиз бўлмайди”, – дейди доно халқимиз. Форумда ёшларга яратилаётган қулай имкониятлар, уларни замонавий илм-фан ва юқори технологияларни мукаммал эгаллаши учун қилинаётган барча саъй-ҳаракатлар билан бир қаторда, уларни қийнаётган масалалар, соҳадаги камчиликлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди ва давлатимиз раҳбари барча долзарб ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, улар бўйича мутасаддиларга шу ернинг ўзида тегишли кўрсатмалар берди. Президентимиз форум давомида билдирилган фикрлар ҳар томонлама таҳлил қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинишини таъкидлади ва ёшларга оид кўплаб ташаббусларни илгари сурди.

Ёшларни чуқур ҳаяжонга солган ташаббуслар қуйидагилардан иборат эди:

Савдо-саноат палатаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда “Ёшлар: 1+1” дастури доирасида палатанинг ҳудудий ўқув марказларида уюлмаган ва ишсиз ёшларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитишни ташкил этади.

“Хунарли киши хор бўлмас” дейди халқимиз. Аммо кейинги пайтларда фарзандларимизнинг уста хунармандлар қўлида касб-ҳунар ўрганишига етарли эътибор бермай қўйдик. Ваҳоланки, устоз кўрган йигит-қизларимиз домласига муносиб бўлишга интилади, ҳаётда уларнинг қўмаги билан ўз ўрнини топади. Шу боис, ҳудудларда “устоз-шогирд” анъанасини янада кучайтирсак, ўйлайманки, нур

устига аъло нур бўлади. Орттирган тажрибамиз асосида республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида “Ёшларкичиксаноатзоналари” ташкил этилади.

Тижорат банкларининг ҳудудларида фаолият бошлаган “Лойиҳаларфабрика”лари ёшларимизнинг илғор ғоялари асосида лойиҳавий таклиф ва бизнес режаларини тайёрлаб беради.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги билан бирга, ёшлар, айниқса, уларнинг уюлмаган қатлами билан масъуллар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишга хизмат қилувчи “Ёшлармуружаати” электрон платформасини яратиши керак бўлади.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури орқали ҳар бир вилоятга ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 100 миллиард сўмдан кредит маблағлари йўналтирилади.²

Давлатимиз раҳбари форумда ёшларга қарата бир сирини айтиб ўтди: “Мен сизларга бир сиримни айтаман, ҳудудларга борганда кўпроқ ёшлар билан учрашишга, улар билан гаплашишга ҳаракат қиламан. Чунки мен сизлардай кўзи ёнган, юраги ёнган ёшларни излайман. Сизлар шунга муносибсизлар.”

Юртимизда ёшларга эътибор фақат Ёшлар форуми билан чекланиб қолган

²<http://yuz.uz/news/vstuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-na-forume-molodeji-uzbekistana>



эмас. Унгача ва ундан кейин ҳам ёшларга эътибор кучли бўлган ва бўлмоқда. Мамлакатда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Хусусан:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида биринчи имзолаган қонун ҳужжати - 2016-йил 14-сентябрьдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги³Қонун эканида рамзий мазмун-моҳият мужассам. Бинобарин, аҳолиснинг ярмидан кўпроғи ёшлардан иборат бўлган мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал ва салоҳиятли, ўз қатъий позициясига эга, юртда амалга оширилаётган ислохотларга бефарқ бўлмаган, юртнинг эртанги муносиб келажаги учун дахлдорликка тайёр, мақсадга интилувчан, серғайрат, ватанпарвар, садоқатли, комил шахслар сифатида тарбиялаш Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган давлатлари сафидан ўрин олишининг муҳим омили эканини мамлакат раҳбари ва ҳукумат яхши англайди.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 5-июльдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги⁴ ПФ-5106-сонли Фармони ва 2017-йил 18-июльдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини итакомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги⁵ПҚ-3138-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон банклари Ассоциациясида Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти ташкил қилинди.

Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти ўз фаолиятида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш борасида Ўзбекистон банклари Ассоциацияси тизимида хизмат қилаётган ёшлар вакилларининг таклиф ва мулоҳазаларини илгари суриб боради.⁶

- Шу билан бир қаторда 2020-йил 30-июнь куни “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги⁷ ПҚ-4768-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори қабул қилинди. Агентлик ёшларга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, шунингдек, ёшларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирларни тизимли равишда амалга оширувчи давлат бошқарув органи ҳисобланади. Ёшлар соҳасидаги муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш,

³<http://lex.uz/docs/-3026246>

⁴<http://lex.uz/docs/3255680>

⁵<http://president.uz/oz/lists/view/795>

⁶http://uba.uz/uz/press_center/youth-union/

⁷<http://lex.uz/docs/-4880129>



шунингдек, мамлакатимизда 2020-йил декабрь ойида ташкил этилган Ўзбекистон ёшлари форумида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 29-декабрдаги Олий Мажлисга ва халқимизга Мурожаатномасида қайд этилган ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш билан боғлиқ вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2021-йил 18-январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги⁸23-сонли Қарори имзоланди.

- 2021-йил 11-мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги⁹ 132-сонли Қарори қабул қилинди.¹⁰

Ушбу қарор билан “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, тадбиркорлик ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш, улар муносиб даромад олиши учун қўшимча шароитлар яратиш, бу борада олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида 2021-йил 20-апрель куни “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон ёшларининг, айниқса, тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабаларнинг ва уларнинг ота-оналарининг чексиз қувончига сабаб бўлган бир қатор қарорлар имзоланди.

Улар қаторига қуйидагиларни киритсак мақсадга мувофиқ бўлади:

- 2021-йил 24-февраль куни “Олий таълим муассасаларида бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ фарзандлари тўлов-контракт асосида ўқиётган оилаларга таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги¹² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори имзоланди.

Ушбу Қарорда мувофиқ, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасаларида бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ фарзандлари тўлов-шартнома асосида ўқиётган оилаларга республика тижорат банклари томонидан имтиёзли таълим кредитлари бериш тартиби жорий этилади.

⁸<http://lex.uz/ru/docs/-5234746>

⁹<http://lex.uz/ru/docs/-5238442>

¹⁰<http://lex.uz/docs/-5328442>

¹¹<http://lex.uz/docs/-5382151>

¹²<http://daryo.uz/2021/02/24/ozbekistonda-ikki-va-undan-ortiq-farzandlari-tolov-shartnoma-asosida-oqiyotgan-oilalarga-imtiyozli-talim-kreditlari-beriladi/>



Олий таълим ташкилотларида тахсил олиш истагидаги ёшларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар тақдим этиш, тўлов-контракт асосида ўқиётган ҳар бир талабага билим олиш учун қулай шароитлар яратиш, ёшларнинг илм-фанга бўлган интилишларини янада рағбатлантириш ва ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021-йил 30-июль куни “Олий таълим ташкилотларида таълим олиш имкониятини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ¹³Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори имзоланди.

Ушбу Қарорга мувофиқ, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб республикадаги барча олий таълим ташкилотлари бакалавриатининг кундузги таълим шаклида ҳамда магистратура босқичида тўлов-контракт асосида тахсил олиш учун таълим кредити ажратишнинг янги тизими йўлга қўйилди. Таълим кредитининг асосий қисми талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади.¹⁴

Ўзбекистонда 2017-2021-йиллар давомида Президент Шавкат Мирзеев ташаббуси билан амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар янги даврни бошлаб берди. Жадал ўзгаришлар барча соҳаларни, жумладан давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизими, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, ташқи сиёсатни қамраб олади.

Жорий йилги глобал сўров натижаларига кўра, Президент Шавкат

Мирзиевнинг тарихий аҳамиятга молик 15таэнгмуҳимислоҳоти шакллантирилди.¹⁵

Ислохотлар рўйхатининг 13-ўрни “Ёшларни қўллаб-қувватлашнинг янги тизими жорий этилиши” деб номланиши, бевосита, Ўзбекистон ёшлари ҳар доим давлат раҳбарининг диққат марказида ва ҳеч қачон эътибордан четда қолмаслигининг яна бир қарра исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиев Президентлик шохсупасига қадам қўйганининг илк кунларидан бошлаб ёшларга оид давлат сиёсатини ташкил этиш ва амалга оширишни кун мавзусига қўйди. Президентимизнинг таъбири билан айтганда, бугунги кунда “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!” деган ҳаётий даъват ҳар биримизнинг, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазирамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва

¹³<http://yuz.uz/news/oliy-talim-tashkilotlarida-talim-olish-imkoniyatlarini-yanada-kengaytirish-chora-tadbirlari-toghrisida>

¹⁴<http://uza.uz/uz/posts/288826>

¹⁵<http://samdchti.uz/yangiliklar/2678>



маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.¹⁶

Давлатимиз раҳбари берган ваъдасини керагидан ортиқ бажарди. Ҳозирда Ўзбекистон ёшлари спорт, санъат, маданият, таълим, ахборот технологиялари ва бошқа соҳаларда дунё миқёсида ўзини кўрсатиб, ҳеч кимдан кам эмаслигини ва улар Берунийлар, Хоразмийлар, Темурийлар, Ибн Сино авлодлари эканлигини исботлаб келишмоқда. Хусусан, спорт соҳасини оладиган бўлсак, жорий йилнинг 23-июльдан 8-августга қадар Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтган “Токио-2020” ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон номидан 17 та спорт тури бўйича жами 65 та йўналишда атлетлар иштирок этди. Ўзбекистонлик спортчилар умумий ҳисобда 5 та (3 та олтин ва 2 та бронза) медални қўлга киритди ва умумжаҳон ҳисобида 32-ўринни эгаллади.

Агар мендан сизни нима қийнайди? “деб сўрасангиз, фарзандларимизнинг таълим ва тарбияси деб жавоб бераман” – деган эди Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев. Шу муносабат билан яқин йиллардаги таълимсоҳасига назар ташлайдиган бўлсак, бу тизимда ҳам етарлича янгиликлар бўлди ва

ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги¹⁷ 2019-йил 3-майдаги ПҚ-4306-қарорига мувофиқ, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, асосий олимпиадаларнинг республика босқичида 1-3-ўринларни эгаллаган иштирокчиларга ихтисослик фани бўйича давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида максимал балл олиш ҳуқуқини берувчи ва уч йил муддат давомида амал қилувчи сертификат тақдим қилинади. Шунингдек, халқаро олимпиадаларда 1-3-ўринни олган абитуриентлар олий таълим муассасаларига тест синовисиз ва қўшимча имтиҳонсиз қабул қилинади.

2021- йилнинг июль ойида ўтказилган халқаро олимпиадаларда юртимиз ёшлари иштирок этиб, муносиб ўринларни қўлга киритишди. Хусусан, халқаро биология олимпиадасида 2 та олтин ва 1 та кумуш, халқаро физика олимпиадасида 1 та бронза ва халқаро математика олимпиадасида биттадан кумуш ва бронза медаллари соҳиби бўлишди. Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги¹⁸ Қарорига

¹⁶Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз // Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис

палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. 14.12.2016.

<http://president.uz/uz/lists/view/111>

¹⁷<http://lex.uz/docs/-4320713>



кўра, дунёда тан олинган нуфузли фан олимпиадаларида ғолибликни кўлга киритган ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчилари бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади.¹⁹

Айни вақтда, таълим шу жумладан, ижтимоий соҳа учун харажатлар миқдори давлат бюджети харажатлар умумий қийматининг ярмидан кўпроғини ташкил этмоқда. Табиийки, ҳар қандай давлат ҳам бундай катта харажатларни кўтара олмайди, аммо қанчалик оғир бўлмасин, бунинг учун зарур маблағ ва ресурслар излаб топилмоқда. Ўзбекистон раҳбари мазкур харажатларни харажат эмас, балки келажак учун қўйилган энг самарали сармоя деб ҳисоблаб, таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омил эканини таъкидламоқда. Танганинг иккинчи томони ҳам борлигини ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. Шунча берилаётган имкониятлар ва яратилаётган шарт-шароитларга қарамасдан, ёшлар ўртасида жиноятчилик оқибатлари сезиларли даражада.

“Хўш, ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш учун нималар қилиш керак? Энг аввало, насиҳатларни камайтириш лозим бўлади, деган фикрдаман. Чунки бугун ахборотлар уммонида яшаётган ёшларга “яхши бўлсанг яхши бўлади, ёмон бўлсанг – ёмон”, деган маънодаги насиҳатларнинг

қизиғи кам. Нафақат кам, уларнинг жиғига тегиб, тескарисини қилишга ундайди. Бунинг учун, аввало, уларни жиноят қилишга ундайдиган сабаблар, ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш керак”, - деган эди давлат раҳбари ўз нутқларидан бирида.²⁰

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, 2019-йилнинг июль ойи ҳолатига кўра, ёшлар жиноятчилиги 4 549 марта кузатилган бўлиб, 2018-йилга нисбатан 39,1 фоизга камайган. Вояга етмаганлар жиноятчилиги эса 32,9 фоизга камайган.²¹

Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида Ички ишлар вазирининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2020-йил 6 ойи якуни бўйича жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ҳолати тўғрисидаги ахборотига биноан, соҳада амалга оширилган тизимли ишлар натижасида умумий жиноятларнинг 20497 таси ёки 95,2 фоизи фoш этилган. Шу билан бир қаторда, 2020-йилнинг 6 ойида республикада қайд этилган ҳар тўртинчи жиноят (4988 та ёки 23,2 фоизи) ёшлар томонидан содир этилган бўлса, шундан 1315 таси ёки 6 фоизи иш билан банд бўлмаган ёшлар томонида содир этилган.²²

Ёшларнинг бугунги кундаги энг ожиз жиҳатларидан бири бу – буюмга сиғиниш. Бу ҳолат нафақат ёшлар ўртасида, балки барча авлодларда ҳам мавжуд, лекин ёшлар муаммони ўз

¹⁹Gazeta.uz <http://www.gazeta.uz/oz/2021/07/24/subject-olimpiada/>

²⁰<http://oz.sputniknews-uz.com/20170331/Yoshlar-va-jinoyatchilik-Prezident-kotargan-muammoga-echim-qidirib-5097914.html>

²¹Халқ сўзи. <http://xs.uz/uz/post/yoshlar-zhinoyatchiligi-39-1-foizga-kamajdi-qandaj-qilib>

²²Халқ сўзи. <http://xs.uz/uz/post/2020-jil-6-oida-sodir-etilgan-umumij-zhinoyatchilarning-952-foizi-fosh-etilgan-ichki-ishlar-vaziri>



билганича ҳал этишади-да. Эътибор қаратилса, ёшлар томонидан содир этилаётган ҳар уч-тўрт жиноятнинг бирини қўл телефони ва шунга ўхшаш замонавий жиҳозларга эгалик қилиш учун уринишлар ташкил этади. Бу нафақат ушбу жиҳозларнинг бозори чаққонлигидан, балки ёшларнинг уларга муккасидан кетиши сабабли ҳам. Ёшлар насиҳатни, ортиқча эзмаликни ёмон кўради. Уларга янгилик, жўшқинлик, ўзига хослик керак. Адабиёт, санъатда насиҳатга урғу беравериш ёшларнинг улардан совушига олиб келади. Бугунги кунда жамият ҳаётида буни кўриш, илғаш қийин эмас.

Яна бир жиҳат – ёшларни мутолаага қайтарамиз деб кўп уринишлар қиялпмиз. Кўпчилигимиз, улар электрон китоблар ўқияпти, деб хурсанд бўлялпмиз ҳам. Аслида эса бу билан биз ўзимизни, ёшлар эса бизни алдамоқда, холос. Тўғри, интернетдан илмий асарлар олиш, кўплаб маълумотларга эга ўлиш мумкин. Бундан ўқишга кирмоқчи бўлган, илм эгалламоқчи бўлган ёшлар оқилона фойдаланмоқда. Лекин бадий адабиётни электрон кўринишда ўқиб бўлмайди. Чунки ҳозиргина ўйин ўйнаган, завқ билан рангли соқачаларни ҳар ёққа сочиб, уларни йўқ қилиб ўтирган экрандан “Ўтган кунлар”ни ўқиш кишига қанчалик завқ бағишлаши

мумкин? Асардаги ҳис-туйғу, ҳаяжон қанчалик ўқувчи онгига етиб бориши мумкин? Албатта, жазонинг муқаррарлиги деган тушунча бор. Ҳар қандай жиноят жазосиз қолмаса, уларнинг сони камаяди. Лекин бу инсонларни қўрқув орқали тўхтатиш демакдир. Жиноятнинг олдини олишнинг энг мақбул усули – бу фуқаронинг онги, маънавиятини ошириш орқали эришиш. Одамлар қачонки онгли тарзда жиноят қилишдан қочса, шундагина жиноятчиликнинг ҳақиқатан камайишига эришиш мумкин. Албатта, шукр қилиш керак, ҳозир Ўзбекистон кўчаларида бошқа мамлакатлардаги каби кечалари юришдан ҳеч ким чўчимайди, Ўзбекистон жаҳондаги энг тинч ва хотрижам мамлакатлар сарасига киради. Бироқ бу шундай бир соҳаки, эришилган ютуқлар билан чекланиб қолиб бўлмайди.²³

Хуллас, юқоридаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда ёшлар ва уларни жамитдаги роли ҳамда келажагига катта эътибор берилмоқда. Зеро, бу ғоялар ҳар бир ёшларимиз учун дастурамал бўлиши лозим. Зеро, биз ёшлар ҳеч қачон юртбошимизнинг маслаҳатини эсдан чиқармаслигимиз керак

²³<http://oz.sputniknews-uz.com/20170331/Yoshlar-va-jinoyatchilik->

Prezident-kotargan-muammoga-echim-qidirib-5097914.html



References:

1. <http://yuz.uz/news/vstuplenie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyoeva-na-forume-molodeji-uzbekistana>
2. <http://lex.uz/docs/-3026246>
3. <http://lex.uz/docs/3255680>
4. <http://president.uz/oz/lists/view/795>
5. http://uba.uz/uz/press_center/youth-union/
6. <http://lex.uz/docs/-4880129>
7. <http://lex.uz/ru/docs/-5234746>
8. <http://lex.uz/ru/docs/-5238442>
9. <http://lex.uz/docs/-5328442><http://lex.uz/ru/docs/-5234746>
10. <http://lex.uz/ru/docs/-5238442>
11. <http://lex.uz/docs/-5328442>
12. <http://lex.uz/docs/-5382151>
13. <http://daryo.uz/2021/02/24/ozbekistonda-ikki-va-undan-ortiq-farzandlari-tolov-shartnoma-asosida-oqiyotgan-oilalarga-imtiyozli-talim-krediti-beriladi/>
14. <http://yuz.uz/news/oliy-talim-tashkilotlarida-talim-olish-imkoniyatlarini-yanada-kengaytirish-chora-tadbirlari-togrisida><http://lex.uz/docs/-5382151>
15. <http://uza.uz/uz/posts/288826>
16. <http://samdhti.uz/yangiliklar/2678><http://uza.uz/uz/posts/288826>
17. <http://samdhti.uz/yangiliklar/2678>
18. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз // Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. 14.12.2016. <http://president.uz/uz/lists/view/111>
19. <http://lex.uz/docs/-4320713>
20. [Gazeta.uzhttp://www.gazeta.uz/oz/2021/07/24/subject-olimpiada/](http://www.gazeta.uz/oz/2021/07/24/subject-olimpiada/)